

Фарғона ш.

2022 йил "19" май

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Фарғона вилоят ҳудудий филиали томонидан Низомга асосан М.Мамадувалиев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «SIFAT INVEST STROY» МЧЖ номидан Низом асосида директори Т.Бабаев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### **I. Шартнома предмети**

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома **Фарғона шаҳри Шодиёна МФЙ С.Темур кўчасидаги 88-сонли кўп хонадонли уйнинг фасад қисми жорий таъмирлаш ишларини** ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг (2022 йил “17”майдаги №76394-сон баённома) қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан **263.618.658 (Икки юз олтмиш уч миллион олти юз ўн саккиз минг олти юз эллик саккиз) сўмни** ташкил этади.

3. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **III. Пудратчининг мажбуриятлари.**

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 30% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни **45 кунда** топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **IV. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 45 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида тенг улушларга бўлган ҳолда аванс ўтказади, бу **79.085.597** (*Етмиши тўққиз миллион саксон беш минг беш юз тўқсон етти*) сўм ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

## **VI. Ишларни бажариш**

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар қўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни

бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

27. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитилладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

28. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

29. Агар беркитилладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитилладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исобласа жавобгар ҳисобланмайди.

30. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

31. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

32. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг

бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни

3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

### **VII. Ишларини қўриқлаш**

33. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

34. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

35. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

36. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

37. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

38. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

39. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 45 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

40. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи

Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

41. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### **X. Кафолатлар**

42. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда ўрнатилган махсус болалар ўйинчоқлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

43. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади. Объектда ўрнатиладиган болалар ўйинчоқларининг кафолат ва уларга сервис хизматини кўрсатиш муддати 24 ой этиб белгиланган.

44. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

45. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

46. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Фарғона вилоят иқтисодий судида кўриб чиқилади.

### **XI. Шартномани бекор қилиш**

47. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 48. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

49. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

50. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

51. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

52. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **ХII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

53. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

54. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

55. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

56. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

57. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ

бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

58. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

59. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### **XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

63. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона вилоят иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. Алоҳида шартлар**

64. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

65. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

66. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

67. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

68. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.





69. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ҳолда икки нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий қучга қиради.

### XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БҮЮРТМАЧИ”		“ПУДРАТЧИ”
<p>“Кўп хонадонли уйларни муқаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Фарғона вилоят ҳудудий филиали Манзил: Фарғона вилояти. Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси 30-уй. СТИР: 307915635 ШХВ: 1000 218 603 040 170 699 021 100 04 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги Тошкент ш. МБББ ХХКМ МФО: 00014, СТИР: 201122919</p> <p>Директор:  М.Мамадувалиев</p>		<p>«SIFAT INVEST STROY» МЧЖ Манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 68-а-уй тел (98) 100-87-07 СТИР: 307 043 677 “Универсалбанк” Фарғона филиали МФО: 01131 х/р: 2020 8000 9051 6586 3001</p> <p>Директор:  Т.Бабаев</p>



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Буюртмачи раҳбари: **М.Мамадувалиев**

Пудратчи раҳбари: **Т.Бабаев**

Юридик хизмат кўрсатувчи: **Х.Эралиев**

томонидан тузилаётган 2022 йил “ 19 май ” 48/5-2022 - сон шартнома, умумий суммаси ҚҚС билан **263.618.658 (Икки юз олти миш уч миллион олти юз ўн саккиз минг олти юз эллик саккиз)** сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

### ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ушбу қурилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос (Буюртмачи ташкилот):

М.Ў.

“ \_\_\_\_\_ ” 20 \_\_\_\_ йил



**Х.Эралиев**

Ҳуқуқшунос (Пудрат ташкилот):

М.Ў.

“ \_\_\_\_\_ ” 20 \_\_\_\_ йил



\_\_\_\_\_